

НИЛУФАР УМРЗОҚОВА

БЕГОЙИМНИНГ ТУРМУШИ



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

Турмуш — тўрт мушт, дейдилар. Уни эплаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бегойимга шундай қисмат битилганмикан? Ўзгалар ҳаёти, ташвиши, муаммолари билан қизиқиб, у не балолар орттирди? Нима сабабдан ғам-андухлар қуршовида қолди? Дарвоқе, унинг ўзи ким?..

Бу саволларга китобни мутолаа қилиб, жавоб топасиз. Нилуфарнинг қаҳрамони сизнинг кўнглингизга яқин инсонга айланса ажаб эмас. Шу билан бирга муаллифнинг изланишлари, ўй-кечинмалари, шеърӣ сатрларига амин бўласиз. У ҳали сиз эшитиб-эшитмаган қимматли маълумотларни — тани сиҳатингиз билан боғлиқ қимматли манбаларни ҳам ҳавола этади. Фейл-атвордаги ўсиш-ўзгаришлар, салбий қусурлар инсонни нималарга гирифтор қилишини баён қилади. Ана шу жиҳатдан ҳам мазкур китоб сизнинг яқин ҳамроҳингизга айланади, деган умиддамиз.

*Бу китобни ҳаётимдаги энг азиз инсонларим, биринчи
устозларим ота-онам — Толибжон Умрзоқов ва Зумрад
Умрзоқовага бағишлайман.*

*Бахтимизга улар соғ-саломат бўлиб, узоқ умр кўришсин.
Биз, фарзандларидан роҳат кўриш насиб этсин.*

ISBN 978-9943-08-517-6

© Нилуфар Умрзоқова. «Бегойимнинг турмуши». «Янги аср авлоди». 2009 йил

БЕҲАЛОВАТ ЮРАКНИНГ ТАФТИ

Қўлингиздаги китоб бошқа асарлардан жиндек фарқ қилади. Тўғри, унда ҳам теварагимиздаги турфа одамлар, уларнинг туриш-турмуши, қувончу ташвишлари, муҳаббату нафрат, орзу-ҳаваслари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, бу китоб саҳифаларида сиз табобат оламининг биз билган ва билмаган томонлари, муаллиф қаламига мансуб шеърлар, айрим фалсафий мушоҳадалари билан ҳам ошно бўласиз.

Энг муҳими, бу китоб бағрида депсиниб турган беҳаловат юрак тафти бор, фикр бор, айтилмоқчи бўлган гап бор...

Муаллиф айрим ўринларда хиёл шошган, ҳаяжонга берилган, пишиб-етилмаган саҳифалар учраши мумкин. Зеро, бу Нилуфар Умрзоқованинг биринчи китоби, илк машқлари... Шу маънода, уни қўлига энди соз олган навозандага, қўлига энди мўйқалам тутган мусаввирга, саҳнага энди қадам қўйган ёш актрисага қиёлаш мумкин.

Ўйлайманки, ёш адибанинг илк қадами қутлуғ бўлади. У билан Ўзбекистон телевидениеси орқали бўлган-бўлаётган учрашувларимиз энди унинг янги асарлари орқали давом этади. Мен Нилуфарга ана шу йўлда ижод машаққатлари ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламан!

*Эркин УСМОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*

Мен ёзувчи эмасман. Ҳурматли адибларимиздан узр сўраган ҳолда, ҳеч ерга сигмаётган қалбимни бўшатиш учунгина қўлимга қалам олдим. Ҳаммасини, қандай бўлса шундайлигича, ёзди м

Менинг исмим Оқбилак. Исмимни амаким қўйган эканлар. 22 ёшдаман. Мени жуда ёқимтой дейишади. Сочларим елкамга ёйилган. Имтиёзли диплом олган кунимнинг эртасига сочларимни ёнгоқ рангига бўядим. Кўзларим ҳам ёнгоқдек, ранги ҳам. Ёноқларим офтобдек, лабларим қизил олмадек. Бурним қиррала. Даҳаним учлироқ. Қоматим ҳам тобида!.. (Менимча!) Магистратурага кириб, илмий иш бошладим. Ҳали турмушга чиқмаганман. Ўзимга бахт тилаймән. Нега дейсизми? Буни кейинроқ билиб оласиз.

БЕГОЙИМНИНГ ТУРМУШИ

Жазирама кунлар ортда қолиб, куз нафаси сезилиб турган кунларнинг бири эди. Ҳаво анчайин салқин. Осмон тиниқ. Тиқ этган товуш йўқ. Худди бутун борлиқ, қўйингчи, бизнинг ҳикоямиз содир бўладиган қишлоқ этагидаги муъжазгина ҳовли ҳам алланечук хаёлларга ғарқ бўлиб ётганга ўхшайди.

Туйқус, ана шу сукунат чил-чил синди. Ошхонага кириб шиша банкадан совуқчой симираётган серсавлат йигит эшик тарафга қичқирди:

— Оя, анавинга қаранг, яна ўзини касалликка соляпти!

— Вой ўлақолай, тинчликми? — деди ҳовли тарафдан чиқиб келган аёл йўл-йўлакай рангги униққан рўмолини тўғрилаб.

— Бу шанс, оя. Тушунтиринг сиз ҳам, — деди йигит яна ўша тарафга қараб. — Бу қарзнинг «праценти» кўпайиб кетяпти.

Роҳат ая қизининг хонасига югурди. Хонага қандай чо-
пиб кирган бўлса, шундай югургилаб чиқди:

— Югур, Раҳима холангникига! Шаҳардан қариндоши келганди, дўхтир. Тезроқ бўл. Йўғаса, синглингдан... худо кўрсатмасин!..

Илҳом қўшнининг меҳмони — дўхтирни бошлаб келди. Тўрт эшик наридан келаётган дўхтир, йўл-йўлакай, нечанчи бор такрорлаши бўлса керак, ҳадеб:

«Мен психологман. «Скорий» чақирайлик», дерди.

Дўхтирни қиз ётган хонага бошлаб киришди. У қизнинг томирини ушлаб, пиёладаги совуқ чойдан оғзига олиб, унинг юзига пуркади. Қиз сесканиб кўзларини очди.

— Ўзингга шукур, — енгил нафас олди Роҳат ая.

«Дўхтир»ни кузатиб қайтган Илҳом Роҳат аяга қаради.

— Тушунтиринг-да, оя. Кам бўмайсан, денг. Қарздан ҳам қутулиб олардик. Дунёга келиб битта иш қилсин қизингиз ҳам. Фойдаси тегсин оилага!

Роҳат ая ҳовлидаги супага ўтириб қолди. Эътибор билан разм солинса, аянинг жуда гўзал аёл бўлганлиги сезилиб турарди. Аммо энди авваллари чақнаб турган кўзлар ҳам хиралашиб қолган. Шу ўтиришда бирдан аянинг юзлари қип-қизариб кетди. Шифокор бўлмаса ҳам, озгина эътиборли одам бўлганида аянинг қон босими ошганини дарров сезган бўларди.

— Негаям исмимни Роҳат қўйишибди, — деди ўзига-ўзи.
— Қани роҳат?

Илҳом онасининг гапига эътибор ҳам бермади.

Роҳат ая қизи ётган хонага кирди. Райҳон ой ёруғида нималарнидир ёзиб ўтирарди.

— Нима ёзясан, қизим?

— Эшитасизми, оя?

Райҳоннинг кўзларида на қувонч, на умид бор эди.

Ўқий бошлади:

*Кўзлар маъюс ўртайди дилни,
Қарайверма ахтариб сабаб.
Сўрама севгининг далилин,
Бу кўзларда йиғлайди Машраб.*

*Бу кўзларга ҳам ганим баҳор,
Бир вақтлари берган ҳарорат.
Бу кўзларда энди... қабр бор,
Кўмиладур энг соф муҳаббат.*

— Райҳон, қизим, бунча пешонамиз шўр бўлмаса, — деди Роҳат ая йиғлаганча қизининг бошини силаб. — Мен роҳатланиб яшамаганимга яраша, сени бахтли қиламан деб ўйлагандим. Қани эди, бойроқ, таг-зотли эркакка турмушга чиққанимда... Яхши яшармидик. Аканг кредит олиб қарзга ботмасди. Сен ҳам Абдувоҳидинга турмушга чиқардинг.

— Оя, у барибир Россияга кетарди, ишлашга. Тўй қилишга пули бўлмасди, — пиқиллади Райҳон.

— Ҳали ҳам яхши кўрасанми уни?

— ...

— Яна бир гаплашиб кўрақол «мусофир» билан, — ёлворди Роҳат ая.

— Оя, уни кўмаман. Абдувоҳидни кўмиб қўяман. Ичимга кўмиб қўяман...

Райҳоннинг кўзларида ёш қотиб қолди.

— Оя, гаплашмайман. Тегаман. Келаверсин. Барибир бир-биримизни тушунмаймиз. У қонида ўзбек бўлса ҳам ўз тилини билмас экан...

Қиз аламини ичига ютиб, куч билан ютинди.

— Оя, йигирма беш минг доллар бераркан. Акамга ҳаммасини берманг. Ўзингизга яхши уст-бош олинг. Санаторияга боринг, Раҳима холам билан. Илтимос қилсангиз, дўхтир қариндошлари қоғоз тўғрилаб беради.

Роҳат ая қизининг гапларига жавоб қайтармай йиғлар, юраклари пора-пора бўлаётганди шу тобда. Гўё қизини охириги бор кўраётгандек, унинг тимқора узун сочларини силар,

оппоқ юзларига ёшдан ҳўл бўлиб кетган юзини босар, ўзининг боши қизиб, қон босими меъёридан анча ошиб кетаётганлиги ҳақида ўйлаш у ёқда турсин, буни хаёлига ҳам келтирмасди.

Райҳон бўлса, тинмай гапирар, қип-қизил, ғунча лаблари енгил титраб турарди.

— Оя, дадам билан бир-бирингизни яхши кўрармидингиз?

— Билмасам, болам.

Роҳат ая қизини қучоқлаганча жонсиз қўғирчоқдек ўтирарди.

— Икковингиз жанжаллашганингизда роса йиғлардим. Эсингиздами? Эсингиздами, оя, бир куни дадам, «фақат болаларни деб сен билан яшаяпман», дедилар. Сиз: «Қаерданам туғдим, шу болаларни», дедингиз жаҳл билан. Мен бўлсам, «негаям туғилибмиз акам билан» деб, бурчакка тикилиб роса йиғлагандим.

Роҳат ая қотиб қолди. Қизининг ичида шунча гапи бормиди... Райҳон яна шивирлади:

*Гўдакнинг кўзларида,
Айтмаган сўзларида,
Ҳали пок ҳисларида,
Йилт этди бирдан нафрат,
Тез чекинди муҳаббат.*

*«Нега келдим оламга,
Занжир бўлсам онамга,
гусса бўлсам отамга!
Тиярми улар тилин,
Агар тиласам ўлим?!»
(Ким учун???)*

— Жим, жим. Тўхта! — хитоб қилди Роҳат ая ва шу заҳоти кўнглидан кечди: «Шу менинг қизимми? Шунча нафрати бормиди? Шунча гапни шу кунга йиғибдимми?».

— Оя, балки шунинг учун уйимизда барака бўлмагандир? Меҳнат қилсак ҳам, ҳамаша муҳтожликда яшаганмиз. Бир кун жанжал бўлса, анча барака кетаркан. Баракамиз кетиб қолганми, оя? — қотиб қолган Роҳат аяни турта бошлади Райҳон. — Энди барака киради уйимизга. Мен ташлаб кетаман баракани!

Райҳон хонага кўз ташлади. Анчадан бери таъмирланмаган уй тўкилай деб қолибди. Ўнг тарафга иккита юпқа сўзана қоқиб қўйишган. Чап тарафдаги кўчага қараган дераза ромларининг бўёғи кўчиб ётибди. Тўғридаги деворда эса кийик акс этган катта мато. Битта кийим жавони-ю, иккита эски каравот.

«У ёқларда жилла қўрса шароитим яхши бўлар», яна кўнглидан ўтказди Райҳон.

* * *

Туманда биттагина ресторан бор эди. Тўй шу ерда бўлди. Қишлоқдагилар учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тўй. Куёв чет эллик, келин қишлоқнинг оддий қизи, аниқроғи, қишлоқнинг энг гўзал, олд қизи. Тўйда куёв тарафдан фақат куёв ва ёнидаги жўраси — ёлланган таржимон ўтиришарди, холос.

Сўзга куёвжўра ва келинянга таклиф қилинди. Райҳоннинг ёнида ўтирган яқин дугонаси Заҳро ва куёвнинг ёнида ўтирган ёлланма таржимон чиқиб келишди. Аввал Заҳро гапирди. Келинни хурсанд деди, бахт тилади.

Унинг гапларини эшитган Райҳон ўйланиб ўтирарди: «Уялмай гапиряпти-я? Райҳон энди муҳаббатини топди, дейди. Биларди-ку, Абдувоҳид билан бир-биримизни севишимизни. Ҳатто, қасамёд қилганимизни, бир-биримизсиз ҳаёт қаром бўлсин деганимизни эшитганди-ку?!»

Заҳродан кейин куёвжўра бир оғиз табрик сўзи айтди:

— Куёвимиз жаноб Алибек келинимиз Райҳон учун Дубайдан тилло узуклар олиб келганлар. Келинг, гувоҳлигингизда тақамиз!

Қарсақлар остида бармоқларга узуклар тақилди. Кейин куёвжўра ва келинянга учун рақсга тушиш маросими бош-

ланди. Қўшиқнинг охиригача ўйнаб қайтган Заҳро дарров Райҳондан узугини кўрсатишни сўради.

— Вуй, Райҳон, бунча кичкина? Тилласиям кам экан. Кўзиям йўқ. Қалинроқ, бриллиант кўзлисидан олса бўларди. Хасис! — деди у шивирлаб.

Райҳон эса нимадир эсига тушиб қолгандек, Заҳрога ялт этиб қаради:

— Заҳро, дугон, сен интернетдан фойдаланишни биласан. Оямга хат жўнатиб тураман. Етказасан-а? Кейин пул ҳам юбораман, сенинг номингга. Акамга билдирмай, оямга етказиб тура оласанми, дугон?

— Албатта, ўртоқжон, — бош ирғади Заҳро, — Хавотир олма. Сен етиб боргач, хабар бер!

Тўйхона ғала-ғовур. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Дастурхон ҳам ўртача безалган. Илҳом дастурхон учун аталган пуллардан ҳам «эканом» қилган. Беш-олтита салат билан қовурилган картошкали чучвара, яна қўни-қўшни, қавм-қариндош олиб келган нарсалар ҳар ер-ҳар ерга қўйилганди. Шу ғала-ғовур ичида бир ўқитувчи сўзга чиқди. У салкам қирқ йилдан бери мактабда дарс берар, шаҳарда олиб қоламиз дейишганда ҳам, «қишлоғимга бориб ишлайман», деб келганлардан эди.

— Алибек афанди, қизимиз Райҳонни эҳтиёт қилинг! Қишлоғимизнинг энг олди қизини сизга беряпмиз. Райҳон, қизим, ризқинг бошқа юртларга сочилган эканми? Қаерда бўлсанг ҳам, омон бўл. Юртингни, Ватанингни, қишлоғингни унутма. Одамзоднинг ризқи бир хил берилади. Яратган берган ризқдан бўлагини ололмаймиз. Узоққа борамизми, «ёғлироқ» иш қиламизми, худойим берган ризқдан бўлаги юқмайди. Ватан эса, худди онадек, биттагина бўлади...

Ўқитувчининг сўзларини ҳеч ким эшитмас эди. Райҳон секин куёвга разм солди. Куёв ҳам лоқайд қиёфада уяли телефонда ким биландир гаплашаётганди. Унинг инглизча, арабча сўзларини тушуниб бўлмас, фақат «бизнес», «валюта», «контракт» деган таржима қилинмайдиган сўзларнигина англаш мумкин эди.

Райҳоннинг куёвга раҳми келди: «Шу ерда ҳам иш ҳақида ўйлаяпти. Шартнома тузиш ҳақида гапиряпти, шекилли? Менга нега уйланыпти ўзи? Шунча пули бор экан, севган қизи бўлмаганмикан? Акам интернетга расмимни жойлаштирач, мени кўриб келаверибдими? Энди ҳаётим қандай бўлади? Мен мусулмонман-ку? Унинг дини қанақа экан? Ота-боболари асли Бухородан, ўзини эса хорижда туғилган, ўзбек тилини билмайди, дейишди...» Бирдан Райҳоннинг миясига шу савол келиб қолди. Акаси шоша-пиша тўй қилишга тушганда, Абдувоҳидни ўйлабди-ю, бу ёғини ўйламабди-да. У эрига вафодор, бўйсунувчан бўлиши керак. «Одатларимиз тўғри келмаса-чи?...»

Райҳон шу лаҳзаларда бўлажак эрининг кўзларида ўзига нисбатан севги, ҳатто, меҳр ҳам кўра олмаётгандек ҳис қилди.

Чет элга кетиш учун ҳужжат тайёрлаш ишлари роса бир ойга чўзилди. Илҳом ўзим тўғрилайман деб ваъда бергани учун ҳам, Алибек таржимон орқали Илҳомдан дарғазаб эканлигини билдириб қўйди. Бундан фақат Роҳат ая хурсанд. «Қани эди, элчихона қизимни четга чиқишига рухсат бермаса? Қизим ёнимда қолса», деган хаёлда эди у...

* * *

Кетишди. Роҳат ая йиғлаган. Райҳон эса ҳали ҳам нималар қилиб қўйганини ўзиям тушунмай кетди. Илҳом бўлса, энди бемалол пулларни сарфлаши мумкинлигидан оғзи қулоғида эди.

Райҳон аясига дафтар ташлаб кетди. Роҳат ая ҳар куни бу дафтарни варақлар, ундаги сатрлар аянинг кўз ёшларидан чаплашиб кетарди.

*Тунлар чехраларнинг шўрин ювади,
Ошиқлар бир-бирин бўзлаб суюди,
Неча минг юраклар тамом куяди,
Сени деб, сени деб, нотинч муҳаббат.*



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4580> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4580> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4580>